

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

ДЕНТИНОКС-Гель Н

Препаратнинг савдо номи: Дентинокс-гель Н

Дори шакли: гель

Таркиби:

1г препарат қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

150.0 мг мойчечак гуллари настойкаси (1:5);

3.4 мг лидокаин гидрохлориди;

3.2 мг макрогол лаурил эфири (полидоканол (600));

ёрдамчи моддалар: карбомер, натрий эдетати, левоментол, 10% ли натрий гидроксиди эритмаси, полисорбат 20, пропиленгликоль, натрий сахарини, суюқ кристалланмаган сорбитол, тозаланган сув, ксилит.

Таърифи: сарик рангли, мойчечак ва ялпиз ҳидли, ва мойчечак ва ялпиз таъмли тиник гель.

Фармакотерапевтик гурухи: Овқат ҳазм қилиш йўллари ва моддалар алмашинуви. Стоматологик препаратлар. Оғиз бўшлиғи касалликларини маҳаллий даволаш учун препаратлар ва бошқалар. Бошқалар.

АТХ коди: A01AD11

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Дентинокс Гель Н препарати биринчи тишларни ва барча сут тишларини ёриб чиқишини қиска вақтли енгиллаштириш учун препаратдир.

Оғиз бўшлиғида маҳаллий қўллаш учун гель (гидрогель) дан иборат. Шиллик қаватда биринчи кесувчи тишлар, сут тишлари ва кейинги илдизли тишларни оғриқсиз ва асоратсиз пайдо бўлишини таъминлайди.

Учта таркибий қисмларининг мажмуаси давомли фармакологик самарани таъминлайди. Лидокаин тезда оғриқсизлантирувчи, аммо қисқа муддатли самарани таъминлайди, у препарат милкка аппликациясидан кейин бир неча минутдан кейин кузатилади. Препаратнинг оғриқни қолдирувчи таъсирининг давомийлиги полидоканол 600 томонидан таъминланади.

Мойчечак настойкасининг ўртача яллиғланишга қарши таъсири маҳаллий яллиғланиш реакцияларини юзага келишини олдини олади.

Препаратдаги ксилитол ва сорбитол тишлар кариесини чақирмайди. Дентинокс Гель Н консервантлар ва қанд сақламайди.

Фармакокинетикаси

Болаларда тишни ёриб чиқишида, оғиз бўшлиғида маҳаддий қўллаш учун препаратдир. Шунинг учун фармакокинетик маълумотларни тақдим этиш мажбурий эмас.

Қўлланилиши

- биринчи тишлар ва барча сут тишлари, шу жумладан кечки илдизли тишларни ёриб чиқишида оғриқни қисқа вақт енгиллаштириш учун

Милкларни қизарииши ва яллиғланиши кучайганда, шунингдек бошқа шикоятлар бўлганда, шифокорга мулоҳизаат этиши керак.

Қўллаш усули ва дозалари

Нўхат катталигидаги Дентинокс гели томчиси милкнинг шикастланган соҳасига тоза бармоқ ёки тоза пахтали таёқча ёрдамида суртилади ва енгил ишқаланади.
Дентиноксни суткада 2-3 марта, айниқса овқатдан кейин ва уйқудан олдин суртиш керак.

Ножӯя таъсиrlари

- аллергик реакциялар кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- мойчечакка, лидокаинга ёки шунга ўхшаш маҳаллий анестетикларга (амид типдаги), шунингдек Дентинокс Гель Н нинг ёрдамчи моддаларидан биронтасига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Сорбит сақлаганлиги туфайли, гельни кам учрайдиган наслий фруктозани ўзлаштираолмаслиги бўлган пациентларда қўллаш мумкин эмас (хар бир грамм гель 25 мг фруктозага камида 0,01 (НБ) эквивалент сорбит сақлайди). Энергетик киймати 2,6 кг/дккал/г сорбит)

Дориларнинг ўзаро таъсири

Номаълум.

Махсус курсатмалар

Кўзларга тушишига йўл қўйилмасин.

Ҳомиладолик ва лактация даври

Ҳомиладорлик ва эмизиш давридаги аёлларда қўллаш ҳақидаги маълумот йўқ.

Дори воситасини транспорт воситалари ёки потенциал хавфли механизmlарни бошқарши қобилиятiga таъсирининг ўзига хослиги

Номаълум, чунки ушбу препарат фақатгина болалар учун мўлжалланган.

Дозани ошириб юборилиши

Алоҳида таъсир этувчи моддаларнинг дозасини пастлиги туфайли, дозани ошириб юборилишининг биронта ҳолати кузатилмаган.

Чиқарилиш шакли

10 г гель ички томондан алюмин қопламали, мембранили ва бураладиган ПЭНД қопқоқли тубаларда.

1 тубадан давлат ва рус тилларидағи тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон кутига жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Туба очилгандан кейин 1 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептисиз.

Ишлаб чиқарувчи

Дентинокс Общество фармацевтических препаратов Ленк & Шуппан
Нунсдофер Ринг, 19, 12277 Берлин, Германия

Қайд этиши гувоҳномасининг эгаси

Дентинокс Общество фармацевтических препаратов Ленк & Шуппан
Нунсдофер Ринг, 19, 12277 Берлин, Германия

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар
(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент ш., а/к 4218-сонли, Асосий почтамт.

Тел.: +99897 1575566

E-mail: vaytsirina@gmail.com